В) Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, републиканинг суверенитети, яхлитлиги ва ҳавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқу ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партиянинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Г) Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади.

Д) барча жавоб тўғри

10.Ўзбекистон Республикасининг Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Қонуни неча моддадан иборат.

А)21 модда

Б)23 модда

В)25 модда

Г)29 модда

Д)128 модда

11. Диннинг уруғ - қабилавий шакллари қайсилар?

А)Магия, иуддаизм, жайнизм, зороастризм

Б)Фетишизм, тотемизм, магия, анимизм, шомонизм

В)Фетишизм, буддизм, қабила бошлиқларининг шахсига сиғиниш, ислом

Г)Насронийлик, тотемизм, синтоизм, табиатни илоҳийлаштириш

Д)Анимизм, аждодлар руҳига сиғиниш, конфуцийчилик

12. Фетишизм нимани илоҳийлаштиради?

А)Ҳайвонларни

Б)Одамларни

В)Моддий нарсаларни

Г)Тошни, дарахтни

Д)Муқаддас китобларни

13. Тотемизм нима?

А)Тарихий дин шаклларида бири

Б)Ибтидоий жамоада турли ҳайвонларни уруғга асос солган деб ҳисоблаб, илоҳийлаштириш ва сиғиниш

В)Туш кўриш ва бошқа ирим – сиримларга ишониш

Г)Жонсиз нарсаларни илоҳийлаштириш ва сиғиниш

Д)Рухларга сиғиниш

14. Диннинг қайси тарихий турида диннинг ибтидоий шакллари унсурлари яққолроқ намоён бўлади?

А)Жаҳон

Б) Миллий-давлат

В)Уруғ-қабила

Г) Давлат

Д)Замонавий

15. Жайнизм қайси давлатнинг миллий дини?

А)Япониянинг

Б)Хитойнинг

В)Хиндистоннинг

- Г)Монголиянинг
- Д)Индонезиянинг

16. Конфуцийчиликни асосчиси ким?

- А)Пан Гу
- Б) Лао Цзи
- В)Кун Цзи
- Г) Шан Ди
- Д)Нанак

17. Талмуд қайси диннинг муқаддас китобларидан биридир?

- А)Буддизм
- Б)Насронийлик
- В)Иуддаизм
- Г)Ислом
- Д)Хиндуизм

18. Япониянинг миллий дини қайси?

- А)Синтоизм
- Б)Буддизм
- В)Конфуцийчилик
- Г)Жайнизм
- Д)Тотемизм

19. Сикхизм динининг асосчиси ким?

- А)Нанак.
- Б)Вишну.
- В)Шива.
- Г)Брахма.
- Д)Джинна.

20. Синтоизмнинг бош худоси ким?

- А)Куёш маъбудаси Аматерасу
- Б)Эзгулик Худоси Ахура Мазда
- В)Сақловчи худо Вишну
- Г)Яратувчи худо Брахма
- Д)Япония императори.

21. Жаҳонда эътиқод қилувчилар сони жихатидан энг катта миллий дин қайси?

- А)Хиндуизм
- Б)Иуддаизм
- В)Синтоизм
- Г)Даосизм
- Д)Конфуцийчилик

22. Қайсилар асосий миллий динлар?

- А)Католицизм, православие, протестантлик, лютеранлик, кальвинистлик, англиканлик
- Б) Фетишизм, тотемизм, анимизм, магия, шомонизм, кабила бошликларининг шахсига сизиниш
- В) Буддизм, ислом, насронийлик
- Г) Хиндуизм, жайнизм, сикхизм, конфуцийчилик, даосизм, синтоизм, иуддаизм
- Д)Суннийлик, шиалик, хинояна, махаяна, ламаизм, баптизм, зороастризм

23. Иуддаизмда ибодатхона нима деб аталади?

- А)Монастыр
- Б) Черков
- В)Масжид
- Г) Синагога
- Д)Хонакох

24. Қадимий яҳудийликдаги оқимлар:

- А)Ессейлар
- Б) Сионизм
- В)Фарзийлар
- Г) Садуқийлар
- Д) А,В,Д.

25. Ведалар қайси тўрт йирик тўпلامдан иборат?

- А)Ригведа, Яшт, Гот, Самаведа
- Б) Яшт, Ригведа, Яжурведа, Гот
- В)Гот, Адхарваведа, Яшт, Ригведа
- Г) Ригведа, Гот, Яшт, Адхарваведа
- Д)Ригведа, Самаведа, Яжурведа, Адхарваведа

26.Буддизмнинг муқаддас китобининг фалсафа ва психологияга оид қисми:

- А) Абхирдхарма – питака
- Б) Трипитака
- В) Виная – питака
- Г) Сутра – питака
- Д) Авесто

27.Буддизм муқаддас китобининг дин мазмунига бағишланган қисми:

- А)Абхирдхарма – питака
- Б) Трипитака
- В)Виная – питака
- Г) Сутра – питака
- Д) Авесто

28.Буддизм муқаддас китобининг раҳбонийлик одоби ва хонақоҳ низомига бағишланган қисм.

- А)Абхирдхарма – питака
- Б) Трипитака
- В)Виная – питака
- Г) Сутра – питака
- Д)Авесто

29. Буддизмдаги асосий оқимларнинг номларини белгиланг.

- А)Махаяна
- Б) Хинаяна
- В) Ламаизм
- Г) Тянтай
- Д) А,Б,В,Г.

30. Буддизмнинг асосий йуналишлари қайсилар?

- А) Жайнизм, шиваизм, сикхизм
- Б)Суннийлик, шиалик, хорижийлик
- В)Православие, католицизм, протестантизм
- Г)Хинояна, махаяна, ламаизм
- Д)Хиндуизм, сикхизм, даосизм

31. Энг қадимги жаҳон дини қайси?

- А)Буддизм
- Б)Насронийлик
- В)Ислом
- Г)Иудаизм
- Д)Ҳиндуизм

32.Буддизм дини қачон пайдо бўлди?

- А)Эрамининг Ү-асрида

- Б)Эрамизгача YI-асрида
- В)Эрамизнинг I-асрида
- Г)Эрамизгача XIII-асрида
- Д)Эрамизнинг YII-асрида

33. Тибет, Монголия, Россиянинг Бурятия ва Тувасида буддизмни қайси оқими тарқалган?

- А)Махаяна
- Б) Хинаяна
- В)Ламаизм
- Г) Тендай
- Д)Цзинту

34.Буддавийлик қаерда пайдо бўлди.

- А) Хитой
- Б) Хиндистон
- В) Малайзия
- Г)Япония
- Д) Манголия

35. Буд исмларидан бири бўлмиш Джина сўзининг маъносини топинг.

- А) уруғ
- Б) донишманд
- В) нурланган
- Г) ғолиб
- Д) тантана қилувчи

36. Сиддхартха бир куни кимларни кўриб, уларни азобдан қутқариш йўлларини излаш учун саройни ташлаб кетади.

- А) кекса чол
- Б) бемор
- В) роҳиб
- Г) савдогар
- Д) А,Б,В

37. “Тришна” буддавийлик динида нимани билдиради.

- А) ўлиш
- Б) яшаш
- В) кулиш
- Г) йиғлаш
- Д) азобланиш

38.Буддавийлик таълимоти нималардан иборат.

- А) инсоннинг ҳаёлида, ишларида ва ўзини тутишида самимий олийжаноблик ғояси
- Б) ведалардаги гуноҳсизлик таълимотини инкор қилди
- В) ҳайвонларни ваҳшиёна қурбон қилишни қоралади,
- Г) каста тизимини ва ундаги руҳонийларнинг бошқалардан устунлигини инкор қилди.
- Д) барча жавоб тўғри

39.Буддавийлик талимоти нечта ҳақиқатда ўз ифодасини топган.

- А) 1
- Б) 2
- В) 3
- Г) 4
- Д) 5

40.Буддавийлик таълимотидаги биринчи ҳақиқатни топинг.

- А) «азоб-уқубат мавжуддир».
- Б) «қийноқларнинг сабаблари мавжуддир».
- В) «қийноқларни тугатиш мумкин».

Г) «кийноқлардан қутилиш йўли мавжуддир»

Д) барча жавоб тўғри

41. Буддавийлик таълимотидаги учинчи ҳақиқатни топинг.

А) «кийноқларни тугатиш мумкин».

Б) «азоб-укубат мавжуддир»

В) «кийноқлардан қутилиш йўли мавжуддир»

Г) «кийноқларнинг сабаблари мавжуддир».

Д) барча жавоб тўғри

42. Буддавийлик таълимоти неча қисмдан иборат:

А) ахлоқ, медитация, донолик.

Б) таълим, тарбия, ирсият

В) ибодат, дуолар, курбонлик

Г) ният, фикр, амал

Д) барча жавоб тўғри

43. Буддавийликда ахлоқ нормаларига нималар киради.

А) қотилликдан сақланиш

Б) ўғрилиқдан сақланиш

В) гумроҳликдан сақланиш

Г) ёлғон, қалбаки нарсалардан сақланиш

Д) маст қилувчи нарсалардан сақланиш

Е) барча жавоб тўғри

44. Тўғри тушуниш (тўғри эътиқод қилиш), тўғри ният қилиш, ўзини тўғри тутиш, тўғри англаш, тўғри ҳаракат қилиш, тўғри ҳаёт кечириш, тўғри фикр юритиш, тўғри гапириш каби тушунчалар нимага киради.

А) ахлоқ нормалари

Б) медитация

В) донишмандлик

Г) ибодат

Д) урф-одат

45. Буддавийлик таълимотининг энг асосий китоби

А) Инжил

Б) Таврот

В) Трипитака

Г) Авесто

Д) Упанишада

46. Буддавийликнинг «кичик арава» маъносини англатадиган асосий йўналишларидан бирини топинг.

А) Махаяна

Б) Хинаяна

В) Тяньтай ёки Тендай

Г) Тантризм

Д) Чань-Буддавийлик.

47. Буддист жамоалари қандай сўз билан ифодаланади.

А) сангха

Б) рухонийлар

В) мўминлар

Г) брахманлар

Д) ботха

48. Мил. ав. 273-232 йилларда яшаган қайси ҳукмдор даврида буддавийлик дини кенг тарқалди.

А) Юстиан

Б) Ксеркс

В) Атилла

Г) Ашока

Д) А. Македонский

49. I асрда буддавийлик дини қайси давлатга кириб келди.

А) Корея

Б) Япония

В) Тибет

Г) Хитой

Д) Монголия

50. Ахлоқ нормалари, медитация ва донишмандлик босқичини ўтаган инсон охир-оқибат олий саодатга, яъни нима ҳолатига эришади.

А) Жаннат

Б) Рухлар дунёси

В) Нирвана

Г) Роҳиблик

Д) барча жавоб тўғри

51. Насронийлик қачон пайдо бўлди?

А) Эрамизгача I асрда

Б) Эрамизнинг I асрида

В) Эрамизгача IV асрда

Г) Эрамизнинг V асрида

Д) Эрамизнинг III асрида

52. Шарқ динларидан қайси бири насронийликка энг кўп таъсир кўрсатди?

А) Буддизм

Б) Иудаизм

В) Зороастризм

Г) Ислом

Д) Ҳиндуизм

53. XIII – асрда бидъат (ересь) билан курашиш учун тузилган католик черкови трибунали нима деб аталади?

А) Индульгенция

Б) Инквизиция

В) Инагурация

Г) Конклав

Д) Энциклика

54. Христианликнинг асосий оқимлари қайсилар?

А) Католицизм, православие, протестантизм

Б) Баптизм, православие, фетишизм

В) Лютеранлик, православие, католицизм

Г) Иудаизм, синтоизм, шаманизм

Д) Баптизм, шамонлик, католицизм.

55. Ўтиқод қилувчилар миқдори жиҳатидан энг катта жаҳон дини қайси?

А) Насронийлик

Б) Ислом

В) Буддизм

Г) Ҳиндуизм

Д) Иудаизм

56. Насронийлик қачон Рим империясининг давлат динига айланди?

А) Эрамизнинг IV-асрида

Б) Эрамизнинг I- асрида

В) Эрамизгача I- асрида

Г) Эрамизнинг XI- асрида

Д)Эрамизнинг II- асрида

57. Ғарб ва Шарк насронийлари уртасидаги бўлиниш қачон содир бўлди?

А) 1054 йилда

Б) 401 йилда

В)324 йилда

Г)1526 йилда

Д)395 йилда

58. Мустақил православ черковлари нима деб аталади?

А) Модернистик черковлар

Б)Ортодоксал черковлар

В)Автокефал черковлар

Г)Монофизит черковлари

Д)Протестант черковлари

59. Католицизмда Исо Масихнинг ердаги ноиби деб ким ҳисобланади?

А) Ватикан

Б) Черков

В)Рим Папаси

Г) Кардиналлар

Д) Рохиблик орденлари

60. Протестант секталари қайсилар?

А) Баптизм, ваххобийлик, англиканлик, синтоизм, бобизм, ламаизм

Б) Лютеранлик, кальвинистлик, англиканлик, бахоийлик, бобийлик, ламаизм

В) Баптизм, пятидесятниклар, адвентистлар, меннонентлар, свидетели Иеговы, методизм

Г) Пятидесятниклар, зороастризм, хиндуизм, свидетели Иеговы, кальвинизм

Д) Исмаилизм, иезуитизм, цвинглианство, методизм, адвентизм, жайнизм

61. Христианлик динининг асосчиси ким?

А) Муҳаммад.

Б) Гаутама.

В) Исо Масих.

Г) Зардушт.

Д) Мусо.

62. Христианлик сўзи қайси истилоҳдан олинган?

А) Масих – сийланган сўзининг юнон тилидаги шаклидан.

Б) Араб сўзидаги бўйсунушдан.

В) Исо Масих туғилган жой Назарет – насрониядан.

Г) Яъқуб пайғамбарнинг ўғли Яҳудо номидан.

Д) Нух пайғамбарнинг ўғли Ибр номидан.

63. Христианлик дини яна қандай ном билан маълум?

А) Масихийлик.

Б) Зардуштийлик.

В) Баптизм.

Г) Протестантизм.

Д) Кальвинизм.

64. Христианлик динини насронийлик деб нимага асосланиб айтадилар?

А) Исо Масих сўзининг мазмунидан.

Б) Биби Марям фазилатларидан.

В) Исо Масихнинг туғилган жойи номидан.

Г) Яъқуб пайғамбарнинг ўғли Яҳудо номидан.

Д) Нух пайғамбарнинг ўғли Ибр номидан.

65. Христианликнинг муқаддас китоби қайси?

А) Веда.

Б) Таврот.

В) Библия.

Г) Забур.

Д) Куръон.

66. Христианликда Троица қондаси ва “Эътиқод тимсоли” нинг қонунлашгани.

А) 325 йил.

Б) 324 йил.

В) 318 йил.

Г) 381 йил.

Д) 1054 йил.

67. Христианликнинг “Эътиқод тимсоли” неча қисмдан иборат.

А) 5.

Б) 7.

В) 12.

Г) 11.

Д) 1.

68. Христианликни икки асосий оқимга ажралишининг расман тан олинishi.

А) 325 йил.

Б) 324 йил.

В) 318 йил.

Г) 381 йил.

Д) 1054 йил.

69. Целибат – уйланмаслик диний талаби христианликнинг қайси оқимиға хос?

А) Католик.

Б) Православ.

В) Протестант.

Г) Баптизм.

Д) Кальвинизм.

70. Рим папаси христианликнинг қайси оқимининг бошлиғи саналади?

А) Католик.

Б) Православ.

В) Протестант.

Г) Баптизм.

Д) Кальвинизм.

71. Индульгенция – гуноҳларни кечирish таълимоти христианликнинг қайси оқимидан келиб чиққан?

А) Католик.

Б) Православ.

В) Протестант.

Г) Баптизм.

Д) Кальвинизм.

72. Аъроф тушунчаси христианликнинг қайси таълимотида мавжуд?

А) Католик.

Б) Православ.

В) Протестант.

Г) Баптизм.

Д) Кальвинизм.

73. 1592 йилда Шотландия парламенти қайси таълимотни асосий мафкура деб ҳисоблаш ҳақида қарор қабул қилди?

А) Пресвитерианлик.

Б) Калвинизм.

В) Протестанцизм.

Г) Лютеранлик.

Д) Англиканлик.

74. Христианликдаги энг қуйи табақа рухонийси ким?

- А) Диакон
- Б) Епископ
- В) Архиепископ
- Г) Митрополит
- Д) Папа

75. Христианликдаги авлиёлар портрети туширилган расмлар номи нима?

- А) Икона
- Б) Алтар
- В) Диакон
- Г) Папа
- Д) Митрополит

76. Илоҳ билан инсонларнинг пайғамбарлар орқали мулоқот йўли қандай номланади?

- А) Ваҳй
- Б) Илҳом
- В) Намоз
- Г) Рўза
- Д) Нирвана

77. Арабистон ярим оролининг ислом динидан аввалги даврини нима деб атаганлар?

- А) Жоҳилия
- Б) Нодонлик
- В) Бутпарастлик
- Г) Маърифатсизлик
- Д) Кўпхудолик

78. Маккадан ҳижрат қилган Мухаммад пайғамбарга ёрдам берган мадиналик муслмонларнинг номи нима?

- А) Ансорлар
- Б) Маккийлар
- В) Мадинийлар
- Г) Ясриб аҳли
- Д) Батҳо аҳли

79. Ҳадислар билан шуғулланадиган олим ким?

- А) Мутакаллим
- Б) Мухаддис
- В) Мутасаввиф
- Г) Фақиҳ
- Д) Мужоҳид

80. Қуръон сураларини ташкил этувчи қисм “жумлалар” қандай номланади?

- А) Сура
- Б) Оят
- В) Жуз
- Г) Пора
- Д) Қисм

81. Ҳадисларнинг қандай турлари бор?

- А) Заиф, саҳиҳ, ҳасан, ҳаста
- Б) Заиф, яхши, тўғри, хато
- В) Саҳиҳ, рост, тўғри, касал
- Г) Ҳасан, саҳиҳ, рост, ҳаста
- Д) Сақим, касал, заиф, ҳасан

- 82. Умумий сони 114 бўлган Қуръоннинг ташкил этувчи қисмлар қайси вариантда тўғри ёзилган?**
- А) Пора
 - Б) Жуз
 - В) Оят
 - Г) Сура
 - Д) Қисм
- 83. Араб қабилаларида яқка худо ғоясини кимлар тарғиб қилганлар?**
- А) Имомлар
 - Б) Пайғамбарлар
 - В) Халифалар
 - Г) Ханифлар
 - Д) Бобийлар
- 84. Ҳ11-асрда пайдо бўлган мусулмон давлати нима деб аталади?**
- А) Мусулмонлар давлати
 - Б) Ислом империяси
 - В) Араб империяси
 - Г) Араб халифалиги
 - Д) Мусулмонлар империяси
- 85. Қуръоннинг биринчи нусхаси қачон тузилган?**
- А) Халифа Али бошқаруви даври (656-661 й) да
 - Б) Мухаммад раҳбарлиги даврида
 - В) Қуръонни Аллох тузган
 - Г) Халифа Усмон бошқаруви даври (644-656 й) да
 - Д) Халифа Абу Бакр бошқаруви даври (632-634 й) да
- 86 Ислом дини қачон пайдо бўлди?**
- А) Эрамингача Ҳ-асрда
 - Б) Эрамининг I-асрида
 - В) Эрамининг ҲII-асрида
 - Г) Эрамининг ҲI-асрида
 - Д) Эрамингача ҲI-асрда
- 87 Ислом динининг муқаддас китоблари нима деб аталади?**
- А) Шариат ва Сунна
 - Б) Қуръон ва Авесто
 - В) Қуръон ва Сунна
 - Г) Инжил ва Трипитака
 - Д) Эски аҳд ва Янги аҳд
- 88 Исломнинг қандай асосий йўналишлари бор?**
- А) Модернизм ва фундаментализм
 - Б) Исмоилийлик ва ваҳхобийлик
 - В) Суннийлик ва шиалик
 - Г) Баҳойлик ва бобийлик
 - Д) Суфийлик ва муридилик
- 89 Мусулмонлар ҳижрий йил ҳисоби қачондан бошланади?**
- А) Мухаммад пайғамбарнинг туғилишидан
 - Б) Мухаммад пайғамбарнинг пайғамбарлик фаолияти бошланишидан
 - В) Ҳадисшуносларнинг пайдо бўлишидан
 - Г) Дастлабки мусулмонларнинг Ясрибдан Мадинага кўчиб боришидан
 - Д) Қуръон ваҳий бўлганидан
- 90 Ислом динида суннийлик оқимининг қандай мазҳаблари бор?**
- А) Ҳанафийлар, суннийлар, хорижийлар ва ваҳхобийлар
 - Б) Моликийлар, ҳанафийлар, шофиийлар ва ханбалийлар.

В)Ислом динидан ажралиб чиққан ҳамма оқимлар мазҳаблар.

Г)Ҳизбут-тахрир, акромийлар, суннийлар.

Д)Шиалик, ханбалийлар, баптистлар.

91. Ҳадислар нима?

А)Жаҳон мусулмон уламолари уюшмаси чиқарган қонун-қоидалар

Б)Қуръони Каримга ёзилган шарҳлар

В)Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаёти, фаолияти, диний ва ахлоқий кўрсатмаларини мужассамлаштирган таълимот

Г)Шариат қонунлари ва олий уламолар фатволари жамланган диний китоб.

Д)Худо томонидан ваҳий қилинган ҳукмлар.

92. Туркистонлик буюк муҳаддислар кимлар?

А)Исмоил ал-Бухорий, Алишер Навоий, ал- Фаробий

Б)Имом ат – Термизий, Исмоил ал – Бухорий

В)Абу Али Ибн Сино, Имом ат – Термизий, Беруний

Г)Шайх Саъдий, Рудакий, Аҳмад Яссавий, Жомий

Д)Баҳоуддин Нақшбанд, Ибн Сино, Исмоил Бухорий.

93. Муҳаммад қачон ўзини Оллохнинг элчиси деб эълон қилди?

А)610 йилда

Б)622 йилда

В)570 йилда

Г)632 йилда

Д)630 йилда

94. Исломда кимлар тугри халифалар деб ҳисобланади?

А)Абу Бакр, Умар, Усмон, Али

Б)Муҳаммад, Али, Хасан, Хусан

В)Абу Хурайра, Ибн Ханбал, Ибн Хошим

Г)Иброҳим, Мусо, Исо, Довуд

Д)Абу Муслим, Муовия, Ал-Маҳди

95. Қуръон суралари қандай қисмларга бўлинади?

А)Катта ва кичик

Б)Макка ва Мадина суралари

В)Дастлабки ва янги

Г)Қадимий ва янги

Д)Қонуний ва ноқонуний

96 Исломнинг беш асоси:

А)Аллоҳга ишониш, Муҳаммадга ишониш, жумъа намози, хатна, Қуръонни муқаддас деб билиш

Б)Имон, рўза, намоз, закот, ҳаж.

В)Чидаш, итоаткорлик, тақдирга ишониш, қурбонлик қилиш, хутба.

Г)Халифаларга ишониш, фаришталарга ишониш, муқаддас қадамжоларга сиғиниш, муқаддас китобларни илоҳий деб билиш, ислом байрамларида қатнашиш

Д)Хатна, намоз, рўза, ҳаж, қурбонлик қилиш.

97 Ал-Мадина ал наби сўзининг мазмуни нимадан иборат?

А)Ислом шаҳри

Б)Пайғамбар шаҳри

В)Мусулмонлар шаҳри

Г)Оллох шаҳри

Д)Ясриб шаҳрининг арабча номи

98 Марказий Осиёда тасаввуфнинг қайси тариқатлари ёйилган?

А)Суннийлик ва шиалик

Б)Бектошия ва Сухравардия

В)Ваххобийлик, Хорижийлик, Муътазила

Г) Яссавия, Нақшбандия, Кубравия, Қодирия

Д) Ханафия ва ханбалия

99 Марказий Осиёда тасаввуфнинг йирик вакиллари кимлар?

А) Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Юғнакий, Юсуф Хос Ҳожиб

Б) Ибн Сино, Пахлавон Махмуд, Умар Хайём

В) Ал-Бухорий, Ал-Ғаззолий, Ат-Термизий

Г) Беруний, Форобий, Хоразмий, Фарғоний

Д) Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Абдулқодир Гилоний.

100 Шиалик йўналишидаги асосий секталар қайсилар?

А) Хорижийлар, азракийлар, ибодийлар, суфрийлар

Б) Исмоилийлар, карматлар, друзлар, имомийлар, азракия

В) Ибодийлар, друзлар, суфрийлар, карматлар

Г) Карматлар, друзлар, ибодийлар, суфрийлар

Д) Зайдия, исноъашарийлар, жаъфария, исмоилия

101. Диний ташкилот нима?

А) Диний эътиқодлар ва маросимларнинг умумийлиги асосида бир динга ишонувчиларнинг ва диний жамоаларнинг профессионал рухонийлар бошчилигидаги бўйсунуш системасига эга бўлган уюшмаси.

Б) Асосий диний йўналишнинг ичидаги оппозицион оқимлар.

В) Ғайри табиий кучларга ишонч туфайли пайдо бўлган гоёлар ва образларнинг йиғиндиси.

Г) Диний тасаввурлар системаси билан боғланган ҳамда диний таълимотнинг муайян жихатини хиссий-образли акс эттирадиган махсус хатти - ҳаракатлар, маросимлар, тантаналар мажмуаси.

Д) Ғайри табиий кучларга ишонч туфайли пайдо бўлган хиссиёт ва туйғуларнинг йиғиндиси.

102. Ўзбекистон республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонуни қайси йилда қабул қилинди?

А) 1890 йилда

Б) 1991 йилда

В) 1992 йилда

Г) 1988 йилда

Д) 1977 йилда

103. Ўзбекистон Конституциясининг қайси моддасида фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи эълон қилинган?

А) 18 моддасида

Б) 31 моддасида

В) 61 моддасида

Г) 37 моддасида

Д) 19 моддасида

104. Виждон эркинлигининг асосий қондаси нима?

А) Ҳамма динларнинг қонун олдидаги тенглиги

Б) Динга муносабатидан қатъи назар фуқароларнинг тенг ҳуқуқлиги

В) Фуқароларнинг истаган динига эътиқод қилиш еки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи

Г) Давлатнинг диний ташкилотларнинг ички ишларига аралашмаслиги

Д) Диний ташкилотларнинг давлат ишларига аралашмаслиги

105. Ўзбекистон конституциясининг қайси моддалари виждон эркинлиги масалаларига бағишланган?

А) 52, 32, 117 моддалари

Б) 37, 44, 19 моддалари

- В)18, 31, 61 моддалари
- Г) 14, 27, 64 моддалари
- Д)13, 38, 46 моддалари

106. Ўзбекистон Республикаси “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” Қонуннинг янги тахрири қачон қабул қилинган?

- А)1998 йил, 30 апрель
- Б)1998 йил, 21 май
- В)1998 йил, 1 май
- Г)1998 йил, 28 май
- Д)1998 йил 1 сентябр

107. Ваххобийлик қачон ва қаерда пайдо бўлган?

- А)ХҮШ асрда Арабистонда
- Б)ХҮШ асрда Ироқда
- В)ХІХ асрда Эронда
- Г)ХХ асрда Афғонистонда
- Д)ХҮІ асрда Марказий Осиёда

108. Ўз ғоясини “тўғри” деб бошқача фикр эгаларини тан олмаслик ва уларни бузғунчиликда айблаш қандай номланади?

- А)Мутаассиблик
- Б) Мужтаҳид
- В)Муҳаддис
- Г) Муршид
- Д)Мурид

109. Дунёнинг охири, нариги дунё, жаннат, дўзах ҳақидаги тасаввурлар мажмуи қайси вариантда тўғри ёзилган?

- А)Эсхатология
- Б) Онтология
- В)Гносеология
- Г) Теология
- Д)Аксеология

110. Ўз мақсадига эришиш йўлида ҳаддан ортиқ кескин чора – тадбирлар кўриш тарафдорлари қайси таълимот?

- А)Экстремизм
- Б) Фундаментализм
- В)Традиционализм
- Г) Эволюционализм
- Д)Рационализм

111. Маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш ва бу йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин деган ғояни қайси таълимот илгари суради?

- А)Экстремизм
- Б) Фундаментализм
- В)Традиционализм
- Г) Эволюционализм
- Д)Рационализм

112. Француз тилидаги “қўрқитиш” сўзидан олинган, ўз фикрини зўравонлик йўли билан бошқаларга ўтказадиган, бу йўлда суиқасд, қўпоровчилик усулларида фойдаланадиган таълимотнинг номи нима?

- А)Экстремизм
- Б) Фундаментализм
- В)Традиционализм
- Г) Эволюционализм

Д)Терроризм

113 Фундаментализм сўзи илк бор қайси бинда шаклланди?

А) Ислом

Б) Буддавийлик

В) Христинлик

Г) Зардуштийлик

Д) Яхудийлик

114. Ваҳхобийлик оқими асосчиси ким.

А) Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳхоб

Б) Муҳаммад ибн Саъуд

В) Жамолиддин ал-Афғоний

Г) Ҳасан ал-Банно

Д)Саййид Қутб

115.1932 йилда ваҳхобийлик байроғи остида олиб борган урушлари натижасида қайси давлат пайдо бўлди?.

А) Сурия

Б) Иордания

В) Саудия Арабистони

Г) Қатар

Д) Кувайт

116. Панисломизм ғоясини биринчи бўлиб ким илгари сурган ҳисобланади?

А) Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳхоб

Б) Муҳаммад ибн Саъуд

В) Жамолиддин ал-Афғоний

Г) Ҳасан ал-Банно

Д)Саййид Қутб

117. Ал-Ихвон ал-муслимун оқими қаерда ва қачон пайдо бўлди?

А)ХҮШ асрда Арабистонда

Б)ХҮШ асрда Ироқда

В)ХІХ асрда Эронда

Г)ХХ асрда Мисрда

Д)ХҮІ асрда Марказий Осиёда

118. Ал-Ихвон ал-муслимун неча йўнилишга ажралиб кетди?

А) 2

Б) 3

В) 4

Г) 5

Д) 6

119.Ҳизб ат-тахрир диний-сиёсий партияси ким томонидан, қачон ва қаерда асос солинган.

А) Тақий ад-дин ан-Набаҳоний томонидан 1952 йили Қуддус шаҳрида

Б) Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳхоб томонидан 1703 йили Дамашқ шаҳрида

В) Ҳасан ал-Банно томонидан 1928 йили Исмоилия шаҳрида

Г) Жамолиддин ал-Афғоний томонидан 1884 йили Париж шаҳрида

Д) тўғри жавоб йўқ

120. А Йўлдошев ноанъанавий, ҳам ислом таълимотига, ҳам конституциявий давлатчилик асосларига зид бўлган гуруҳининг номи.

А) Ваҳобийлар

Б) Мўътадиллар

В) Муслмон биродарлари

Г) Панисломизм

Д) Ақромийлар

121.Ўзбекистон Республикасининг Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги (янги тахрири) қонуннинг нечанчи моддасида Диннинг давлатдан ажратилгани деб номланган.

- А) 2
- Б) 3
- В) 4
- Г) 5
- Д) 6

122.Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар қандай номланади.

- А) прозелитизм
- Б) деизм
- В) терроризм
- Г) экстремизм
- Д) фундаментализм

123 Президентимиз И.А. Каримовнинг “Оллох қалбимизда, юрагимизда” асари қачон нашр этилди.

- А) 1997 йил
- Б) 1998 йил
- В) 1999 йил
- Г) 2000 йил
- Д) 2001 йил

124. Қуйидагилардан қайси бири миллий истиқлол мафкурасининг ғоясига қирмайди.

- А) Юрт тинчлиги
- Б) Ватан равнақи
- В)Халқ фаровонлиги
- Г) Комил инсон
- Д) Диний давлат тузиш

125. Қуйидагилардан қайси бири миллий истиқлол мафкурасининг ғоясига қирмайди.

- А) Ижтимоий ҳамкорлик
- Б) Миллатлараро тотувлик
- В) Диний бағрикенглик
- Г) Комил инсон
- Д) Ислон давлати тузиш

ДИНШУНОСЛИК ФАНИДАН ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Таянч атамалар:	Мазмуни
Дин	
Дин вазифалари	
Компенсаторлик	
Интеграцион	
Регулятив	
Коммуникатив	
Легитимизация	
Уруғ-қабила динлари	
Миллий динлари	
Жаҳон динлари	
Атеизм	
Монотеизм	
Политеизм	
Теология	
Виждон эркинлиги.	
Тотемизм	
Анимизм	
Шаманизм	
Фетишизм	
Мифология	
Яхудийлик	
Яҳве	
Мессия	
Мусо пайғамбар	
Таврот	
Талмуд	
Садуқийлар	
Фарзийлар	
Ессейлар	
Сионизм	
Ведизм	
Ригведа	
Самаведа	
Яжурведа	
Атхарваведа	
Брахманизм	
Каста	
Ҳиндуизм	
Гуру	
Брахма	
Вишну	
Шива	
Жайнизм	
Ахинса	
Сатя	
Астея	

Брахмачара	
Апариграха	
Сикхизм	
Конфуцийчилик	
Луньей	
Цзюнь-цзи	
Сяо	
Даосизм	
Даодецзин	
Лао-Цзи	
Дао	
Синтоизм.	
Кодзики	
Аматэрасу	
Сиддхартха	
Гаутама (Готама)	
Шакьямуни	
Будда	
Тадхагата	
Джина	
Бхагаван	
Шуддходана	
Капилавасти	
Малика Майя.	
Яшадхара	
Рахула	
Тришна	
«Панча шила»	
Медитация	
Нирвана	
Трипитака	
Сутра-питака	
Виная-питака	
Абхидхарма-питака	
Хинаяна	
Махаяна	
Цзинту	
Тяньтай ёки Тендай	
Тантризм	
Чань-Буддавийлик.	
Ламаизм	
Сангха	
Ботха	
Буддавийлик	
Христианлик	
Исо Масих	
Библия	
Назарет	
Марямдан	
Ирод Антипа	

Масих	
Апостоллар	
Қадимий Аҳд	
Янги Аҳд»	
Инжил	
Матто (Матфей)	
Марко	
Лука	
Юҳанно (Иоанн)	
Исонинг нузули	
Августин	
Католик	
Православ	
Диакон	
Рухоний	
Епископ.	
Аъроф	
Рим папа	
Протестантизм.	
Кальвинизм.	
Пресвитерпанлик.	
Баптизм.	
Адвентистлар	
Англикан черкови	
Жоҳилия	
Ал-Ҳажар ал-асвад	
Муҳаммад ибн Абдуллоҳ	
Абдуллоҳ	
Курайш	
Омина бинт Ваҳб	
Абдулмутталиб	
Абу Толиб	
Хадича бинт Хувайлид	
Ансор	
Ҳижрат	
Имон	
Намоз	
Закот	
Рўза	
Ҳаж	
Қуръони карим	
Сура	
Оят	
Ас-Сухуф ал- бакрийа	
Мусҳафи Усмон	
Ҳадис	
Саҳиҳ	
Ҳасан	

Заиф	
Сақим	
Сунна	
Суннийлик	
Шиалик	
Сўфийли	
Нақшбандийлик	
Яссавийлик	
Кубравийлик	
Ҳанафия	
Шофеоия	
Маликия	
Ҳанбалия	
Шариат	
Тарикат	
Ислом	
Экстремизм	
Фанатизм	
Терроризм	
Фундаментализм	
Диний фундаментализм	
Акида	
Ваҳҳобийлик	
Ал-Ихвон ал- муслимун.	
Мўътадиллар	
Ислом демократлари	
Ислом социализми	
Ат-Такфир ва-л- хижра	
Ал-Жиход	
Ҳизб ат-таҳрир	
Акромийлар.	
Прозелитизм	
Миссионерлик	
Ғоявий иммунитет	
Ғоявий бўшлиқ	
Ғоявий тарбия	
Юрт тинчлиги	
Ватан равнақи	
Халқ фаровонлиги	
Комил инсон	
Ижтимоий ҳамкорлик	
Миллатлараро тотувлик	
Диний бағрикенглик	

ИЛОВА
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни
Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида
(янги таҳрири)

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу қонуннинг мақсади ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъий назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат.

2-модда Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолиятини таъминлашга оид муносабатлар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Виждон эркинлиги ҳуқуқи

Виждон эркинлиги-фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир.

Фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди.

Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оанлар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди.

Динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизлик ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чеклаш мумкин.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳуқуқидан фойдаланадилар ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўладилар.

4-модда.Фуқароларнинг динга муносабатидан қатъий назар тенг ҳуқуқлилиги

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари динга муносабатидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар.Расмий ҳужжатларда фуқаронинг динга муносабати кўрсатишга йўл қўйилмайди.Фуқароларнинг динга муносабатига қараб уларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай чеклаш ва уларга бевосита ёки билвосита имтиёзлар белгилаш, душманлик ва адоват уйғотиш ёхуд уларнинг диний ёки дахрийлик эътиқоди билан боғлиқ ҳис-туйғуларни ҳақоратлаш, диний зиёратгоҳларни оёқ ости қилиш қонунда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ҳеч ким диний эътиқодини рўқач қилиб қонунда белгиланган мажбуриятларни бажаришдан бош тортишга ҳақли эмас. Қонунда мувофиқ бажаралиши мажбурий бўлган бир вазифани диний эътиқоди туфайли бошқаси билан алмаштиришга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

5-модда. Диннинг давлатдан ажратилгани

Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқарига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва секинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган ҳатти-ҳаракатларга йўл қўймайди.

Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қонуннинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди, уларнинг қонун ҳужжатларида зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди.Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди.Давлат диний ташкилотлар фаолиятини ҳамда дахрийлик тарғиботига оид фаолиятини маблағ билан таъминламайди.

Ўзбекистон Республикасида диний моҳиятидаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракати, шунингдек республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимларни тузишга ва уларнинг фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

Диний ташкилотлар амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишлари шарт. Диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий

негизларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўхтон вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишда, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа ҳатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек бошқа ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва фуқароларнинг фаолияти ман этилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, мансабдор шахсларга тазйиқ ўтказишга қаратилган ҳар қандай уриниш, шунингдек яширин диний фаолият қонун билан тақиқланади.

6-модда. Давлат органларларининг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг диний ташкилотлар билан ўзаро муносабат борасидаги ваколатлари

Давлат органлари ва диний ташкилотларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита зиммасига юкланади. Қўмитанинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низом билан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенагаши, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудларда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун қонун бўйича жавобгардирлар.

7-модда. Дин ва таълим

Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилган. Таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг дунёвий таълим олиш ҳуқуқи уларнинг динга бўлган муносабатидан қатъий назар таъминланади.

8-модда. Диний ташкилотлар

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиши, ибодат, расм-русумлар ва маросимлар биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқалар) диний ташкилотлар деб эътироф этилади.

Диний ташкилот Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаётган юз нафардан кам бўлмаган фуқаролар ташаббуси билан тузилади.

Тегисли конфессияга қарашли диний ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва йўналтириб бориш учун уларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича ягона марказий бошқарув органлари (Бундан кейин-марказий бошқарув органлари деб юритилади) тузилиши мумкин.

Марказий бошқарув органи Ўзбекистон Республикасининг камида саккизта ҳудудий тузилмасида (вилоят, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси) фаолият кўрсатаётган, тегишли конфессияларнинг рўйхатга олинган диний ташкилотлари вакиллари таъсис йиғилиши (конференцияси) томонидан тузилади.

Диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ёки унинг жойлардаги органларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Тегисли диний маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари диний ташкилотларнинг раҳбарлари бўлишлари мумкин. Диний ташкилотлар раҳбарлигига Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган шахсларнинг номзоди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишиб олинади.

9-модда. Диний ўқув юртлари

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органи рухонийлар ва ўзларига зарур бўлган диний ходимлар тайёрлаш учун диний ўқув юртлар тузишга ҳақли. Диний ўқув юртлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиб, тегишли литцензия олгандан кейин фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Олий ва ўрта диний ўқув юртларида таълим олиш учун фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ умумий мажбурий ўрта таълим олгандан кейин қабул қилинади.

Диний ўқув юртларида диний фанларни ўқитаётган шахслар диний таълим олган бўлишлари ва ўз фаолиятларини тегишли марказий бошқарув органининг рухсати билан амалга оширишлари лозим.

Хусусий тартибда диний таълим бериш ман этилади.

10-модда. Диний ташкилотнинг устави

Диний ташкилотнинг устави қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиши керак:

-диний ташкилотнинг номи, тури, жойлашган манзили, қайси динга мансублиги;

-мақсади вазифалари ва фаолиятининг асосий турлари;

-тузилиши ва бошқарув органлари;

-маблағлари манбаи ҳамда ушбу ташкилот ичидаги, шунингдек ундан ташқаридаги мулкӣ муносабатлари;

-уставга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тартиби;

-ушбу диний ташкилотга тааллуқли бошқа маълумотлар.

Марказий бошқарув органларига эга бўлган диний ташкилотларнинг уставлари мазкур бошқарув органлари билан келишилган бўлиши керак.

11-модда. Диний ташкилотларни рўйхатга олиш

Диний ташкилот марказий бошқарув органларини рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан, бошқа диний ташкилотларнинг эса тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишилган ҳолда амалга оширилади

Диний ташкилотларни рўйхатга олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

-диний ташкилот тузиш ташаббускорлари бўлган, юз нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси имзолаган ариза;

-диний ташкилотнинг устави;

- таъсис йиғилишининг баёни;

-тузилаётган диний ташкилот жойлашган манзилни тасдиқловчи ҳужжат;

-рўйхатга олиш йиғими тўлангани тўғрисидаги ҳужжат.

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органини рўйхатга олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

-таъсис йиғилиши (конференцияси)нинг раиси ва котиби имзо қўйган ариза;

-диний ташкилотлар марказий бошқарув органининг устави;

-таъсис йиғилиши(конференцияси)нинг баёни;

-таъсисчилар ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар;

-рахбар орган жойлашган манзилни тасдиқловчи ҳужжат;

-рўйхатга олиш йиғими тўлангани тўғрисидаги ҳужжат.

Диний ташкилотлар ҳамда уларнинг марказий бошқарув органларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўриб чиқилади.

Адлия органлари қўшимча материаллар талаб қилиб олишга ҳамда тегишли органларининг эксперт хулосасини олишга ҳақли.Бундай ҳолда қарор рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан уч ойлик муддатда қабул қилинади.

Диний ташкилотларнинг уставига киритилган қўшимчалар ва ўзгартиришлар диний ташкилотларни рўйхатга олиш каби тартиб ва муддатларда рўйхатга олиши лозим.

Диний ташкилотлар раҳбарларининг ташкилот устави билан давлат органларида рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаши қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

Диний ташкилотларнинг фаолияти ўз уставига мувофиқлигини назорат қилиш диний ташкилотларни рўйхатга олган орган томонидан амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишга йўл қўйган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

12-модда. Диний ташкилотларни рўйхатга олишни рад этиш

Агар диний ташкилот уставининг қоидалари ва бошқа ҳужжатларни ушбу Қонун ёки Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига зид бўлса, уни рўйхатга олиш рад этилиши мумкин.

Диний ташкилотни рўйхатга олишни рад этилганда рад этиш асослари кўрсатилган қарор ёзма равишда аризачиларга юборилади. Диний ташкилот тузиш ташаббускорлари уставларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда келтирганларидан сўнг, уставни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан тегишли тарзда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки унинг жойлардаги органлариг қайтадан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Диний ташкилотни рўйхатга олишни рад этилганлиги ёхуд адлия органлари томонидан ушбу қонун талаблари бузилганлиги устидан судга шикоят қилиш мумкин.

13-модда. Диний ташкилотлар фаолиятини тугатиш

Диний ташкилотлар фаолияти у ўзи тарқатиб юборганда ёки ушбу Қонуннинг, шунингдек ёки Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларининг қоидалари бузилган тақдирда тугатилиши мумкин.

Диний ташкилотлар фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарор уни рўйхатга олган орган томонидан қабул қилинади. Ушбу қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

14-модда. Диний урф-одатлар ва маросимлар

Диний ташкилотлар ибодат қилиш ёки диний расм-русумлар ўтказиш учун қулай жойлар ташкил этиш ва уларни сақлаб туриш, шунингдек зиёратгоҳларни сақлаб туриш ҳуқуқига эга.

Ибодат, диний расм-русумлар ва маросимлар диний ташкилотлар жаойлашган манзилдаги ибодатхоналарда ва уларга тегишли ҳудудларда, зиёратгоҳларда, қабристонларда, зарур ҳоларда фуқароларнинг ихтиёрларига биноан уларнинг уйларида ўтказилади.

Касалхоналарда, госпиталларда, кексалар ва ногиронлар уйларида, дастлабки қамоқ ва жазони ўташ жойларида ибодатлар ва диний расм-русумлар шу ердаги фуқароларнинг илтимосларига биноан ўтказилади.

Диний маросим ва ибодат биноларидан ташқарида ўтказиладиган оммавий ибодатлар, диний расм-русумлар ва маросимлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмайди.

Диний ташкилотлар диндонлардан мажбурий пул йиғимлари ва тўловлар ундиришга, шунингдек, уларга нисбатан шахснинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи чораларни қўллашга ҳақли эмас.

15-модда. Диний ташкилотларнинг мулки

Диний ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ёки яратилган, фуқаролар, жамоат бирлашмалари эҳсон қилган (васият қилиб қолдирилган) ёхуд давлат томонидан берилган, шунингдек, чет элда жойлашган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда олинган, ўз фаолиятларини таъминлаш учун зарур бўлган бинолар, иморатлар, ибодат қилиш анжомлари, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва хайрия иншоотлари, пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар уларнинг мулки бўлиши мумкин.

Диний ташкилотларнинг мулкӣ ҳуқуқлари қонун муҳофаза қилинади.

16-модда. Давлат мулки бўлган мол-мулкдан фойдаланиш

Диний ташкилотлар тўз эҳтиёжлари учун давлат органлари томонидан шартнома асосида бериладиган бинолар ва мол-мулкдан фойдаланишга ҳақлидир.

Тарихий ва маданий ёдгорликлар объектлари ва буюмларини диний ташкилотларга фойдаланиш учун бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Диний ташкилотлар учун ер ажратиш ҳамда ибодат бинолари қуриш тегиш равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

17-модда. Ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари уствидаги мақсадлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, ноширлик, ишлаб чиқариш, таъмирлаш-қурилиш, қишлоқ хўжалик корхоналари ва бошқа корхоналарни, шунингдек, хайрия муассасаларини (етимхоналар, касалхоналар) таъсис этишга ҳақлидир.

18-модда. Фаолиятини тугатган диний ташкилотларнинг мол-мулкни тасарруф этиш

Диний ташкилотларнинг фаолияти тугатилгандан кейин уларга фойдаланиб туриш учун берилган мол-мулк ўз эгаларига қайтарилади.

Диний ташкилотларнинг фаолияти тугатилган тақдирда, уларга қарашли мол-мулк эгалик қилиш уларнинг устави ва қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Кредиторларнинг талабларини қондириш учун ундириш қаратилиши мумкин бўлмаган ибодатга оид мол-мулк рўйхати диний ташкилотларнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ҳуқуқий ворислари бўлмаган мол-мулк давлат мулки ҳисобига ўтади.

19-модда. Диний адабиётлар ва диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар, диний адабиётлар ва диний мазмундаги

бошқа ахборот материалларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқаришга, экспорт ва импорт қилишга ҳамда тарқатишга ҳақлидир.

Чет элда нашр этилган диний адабиётларни олиб клиш ва тарқатиш, уларнинг мазмуни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилганидан кейин амалга оширилади.

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик билан йўғрилган матбаа нашрларини, кино-, фото-, аудио-, видео-маҳсулотларини ва шу каби бошқа маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш ва тарқатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

20-модда. Диний ташкилотларнинг хайрия фаолияти

Диний ташкилотлар хайрия ва меҳр-мурувват фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир.

21-модда. Диний ташкилотларда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар

Диний ташкилотларда меҳнат шартномалари (контрактлари) бўйича ишлаётган фуқароларга Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари татбиқ этилади.

22-модда. Диний ташкилотларнинг халқаро алоқалари

Диний ташкилот муқаддас жойларни зиёрат қилиш ёки бошқа диний тадбирларда иштирок этиш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро алоқалар ўрнатиш ва олиб боришга ҳақлидир.

23-модда. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар, диний ташкилотларнинг хизматдагилар ва фуқаролар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Диншунослик фанидан таълим технологияси	4
Диншунослик фанидан тестлар	125
Диншунослик фанидан таянч атамалар	141
Илова	145